

## Хизмат Кўрсатиши Соҳасини Ривожлантиришнинг Асосий Йўналишлари

Обид Мамаюнусович Пардаев

СамИСИ мустақил тадқиқотчи, PhD


**Аннотация:** мақолада бугунги кунда ўта долзарб масалалардан бири бўлган хизмат кўрсатиши соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қараб чиқилган. Бунда ахолининг ҳаёти учун зарур бўлган жамоат транспорти билан боғлиқ хизматлар, иқтисодиётнинг ҳаракатлантирувчи кучларидан бири бўлган темир йўл транспорти билан боғлиқ хизматларнинг бугунги аҳволи ва уларни ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари қараб чиқилган. Замон талабидан келиб чиқиб, алоқа ва коммуникация соҳалари билан боғлиқ хизматлар, уй-жой коммунал хўжалиги соҳаси билан боғлиқ хизматларга ҳам алоҳида аҳамият берилган. Истиқболли хизматлардан бири бўлган туризм соҳаси билан боғлиқ хизматларга ҳам эътибор қаратилган.

**Калит сўзлар:** хизматлар, хизмат кўрсатиши, жамоат транспорти, автомобил хизматлари, темир йўл транспорти, алоқа хизматлари, коммуникация соҳалари, уй-жой коммунал хўжалиги, коммунал хизматлар соҳаси, туризм соҳаси хизматлари.

**Кириш. Мавзунинг долзарблиги.** Мамлакатимизда хизмат кўрсатиши соҳасини ривожлантириш масаласи давлат раҳбари ва хукуматининг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Хусусан, жамоат транспорти билан боғлиқ хизматлар, темир йўл транспорти билан боғлиқ хизматлар, алоқа ва коммуникация соҳалари билан боғлиқ хизматлар, уй-жой коммунал хўжалиги соҳаси билан боғлиқ хизматлар, туризм соҳаси билан боғлиқ хизматларни ривожлантириш бўйича кўплаб меъёрий-хуқуқий хужжатлар қабул қилинди. Чунки ушбу хизматларнинг ҳаммасини ривожлантириш мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Биргина мисол. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелда «Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиши вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» ПҚ-2900-сонли қарори қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиши вазирлиги, кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ҳамда «коммунхизмат» агентлиги тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори ҳам қабул қилинди. Ушбу қарор билан “Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиши вазирлиги тўғрисидаги Низом”, “Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиши вазирлиги ҳузуридаги Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси тўғрисидаги Низом”, “Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиши вазирлиги ҳузуридаги «Коммунхизмат» агентлиги тўғрисидаги Низом”лар ҳам қабул қилинган.

Хозирги пайтда халқаро эксперталарнинг прогнози бўйича ер шарида ҳароратнинг ошиши туфайли сув танқислиги ва қурғоқчиликнинг қўпайиши ҳам рўй бермоқда. Ушбу ҳолат келажакда ҳам давом этади. Дунё иқлимининг ўзгариши натижасида Ўзбекистонда ҳам 2080 йилга бориб, ўртacha ҳарорат 10 % га ошиши прогноз қилинмоқда<sup>1</sup>. Натижада иссик ҳаво ҳароратининг давомийлик муддати узаяди ҳамда

<sup>11</sup>Астапов К.Л. Стратегирование и инновации в целях повышения эффективности отрасли водоснабжения в Узбекистане. Ташкент, 13 ноября 2019 года.



тоғлардаги қор захираларининг камайиши рўй беради. Ушбу ҳолат ҳам ичимлик суви билан боғлиқ бир қанча муаммоларни келтириб чиқаради. Худди шундай ҳолатлар бошқа хизмат турларида ҳам мавуд. Кўриниб турибидики мазкур мавзу бўйича тадқиқот олиб бориш ўта долзарб ҳисобланади.

**Тадқиқот методологияси.** Хизмат кўрсатиш соҳанини ривожлантириш-нинг асосий йўналишларини тадқиқ қилиш жараёнида макон ва замон, шакл ва мазмун, индукция ва дедукция, қиёсий ва мантиқий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳанини ривожлантириш мамлакатимиз ижтимоий-иктисодий ҳаёти учун муҳим аҳамият қасб этмоқда. Зеро, ушбу соҳанинг жадал ривожланишига катта эҳтиёж пайдо бўлмоқда. Айниқса, транспорт, алоқа, туризм, уй-жой коммунал хўжаликлари каби хизматлар аҳолининг эҳтиёжларини қондиришда муҳим соҳалардан бири сифатида кундан-кунга аҳамияти ошиб бормоқда. Мазкур соҳаларни молиялаштириш, нарх сиёсатини тартибга солиши масалалари ҳозирги куннинг устувор вазифаларидан бирига айланмоқда. Чунки ушбусоҳани ривожлантириш натижасида янги иш ўринлари яратилиб, аҳолининг бандлиги таъминланади, аҳолига бир қанча қулайликлар яратилади, ўзини ўзи иш билан таъминлаш имкониятлари ҳам пайдо бўлади ва ниҳоят аҳолининг фаровон яшаши учун тегишли шароитлар ҳам яратилади.


Мазкур мақолада кенг кўламли хизмат кўрсатиш соҳасининг айрим тармоқларига эътиборни қаратишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Буларга қуйидагилар киради:

- жамоат транспорти билан боғлиқ хизматлар;
- темир йўл транспорти билан боғлиқ хизматлар;
- алоқа ва коммуникация соҳалари билан боғлиқ хизматлар;
- уй-жой коммунал хўжалиги соҳаси билан боғлиқ хизматлар;
- туризм соҳаси билан боғлиқ хизматлар.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизнинг қишлоқ ва шаҳарларида **жамоат транспортини** йўлга қўйиш муҳим вазифалардан бирига айланди. Қишлоқларда жамоат транспортининг етишмаслиги натижасида аҳолига бир қанча ноқулайликлар юзага келмоқда. Таксилар ҳамиша ҳам барқарор равишда бўлмаслиги туфайли қишлоқ аҳолиси кўп вақтини йўлда бекорга ўтказишиларига тўғри келмоқда. Чунки кўпчилик аҳолида шахсий транспорт воситалари етарли эмас. Шаҳарларда ушбу ҳолатнинг тескариси. Жуда кўпчиликда шахсий транспорт мавжуд. Аммо ишга бориш ва қайтишда жамоат транспорти етарли бўлмаганлиги туфайли ҳамма шахсий транспортида кўчага чиқади. Натижада шаҳарларда жада катта тирбандликлар юзага келмоқда. Бу ҳам кўплаб аҳолига вақтни исроф қилиш билан боғлиқ ноқулайликларни юзага келтирмоқда. Бунга барҳам бериш ва тартибга солиши учун шаҳар ва қишлоқларда жамоат транспортини кўпайтириб, аҳолининг манфаатларидан келиб чиқиб, тегишли маршрутларни ташкил қилиш лозим.

Шаҳарларда транспорт воситаларининг кўпайиши экологик вазиятга ҳам салбий таъсир қиласи. Шу туфайли жамоат транспортини ҳар томонлама вазиятга мослаштирган ҳолда ривожлантишнини тақозо қиласи. Жамоат транспорти билан боғлиқ хизматларни оптималлаштириш учун ҳам бир қанча қуида келтирилган илмий тавсияларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

**Темир йўл транспорти** бўйича ҳам бугунги заруриятдан келиб чиқиб, қилиниши лозим бўлган ишлар анчагина. Янги Ўзбекистонни барпо этиш шароитида Ўзбекистон Республикасида “Темир йўллар тўғрисида”ти Конуни лойиҳасини ишлаб чиқиб, уни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатдаги муҳокамасини ўтказиб қабул



қилишни ҳам тезлаштириш лозим. Чунки темир йўлларда юк ва йўловчиларни ташиш мамлакатлараро амалга оширилади. Бундаги қоидаларни барча мамлакатлар тартиб тамойилларига мослаштириш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларидан умумий тарзда фойдаланишда ҳам тартиbtамойилларни бир-бири билан мувофиқлаштириш лозим бўлади. Давлатлараро локомотивларни тақдим этиш, маҳаллий йўналишларда йўловчиларни ташиш хизматлари ҳам бир-бирига мувофиқлаштирилган бўлиши лозим. Юқори тезлиқда ҳаракатланадиган ва тезюарар поездларда йўловчиларни ташиш масаласини ҳам аста-секинлик билан давлатлараро миёсга олиб чиқиш мақсадга мувофиқ. Ушбу йўналишлар бўйича таърифларни Вазирлар Махкамаси хузуридаги Идоралараро тариф комиссияси назорат қилиб бориши мақсадга мувофиқ.


Яна бир муҳим жиҳат, ҳозирги иқтисодий-ижтимоий ҳаётни рақамлаштириш ва инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида темир йўл чипталарини мобиль илова ва электрон тўлов тизимлари орқали сотишни ташкил қилиш ва ривожлантириш, онлайн электрон тизим орқали сотиш ҳажмини ошириш чораларини кўриш ҳам ўта долзарб масалалардан бирига айланган.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз “Буюк ипак йўли”ни тиклашга қаратилган тадбирлардан бири бўлган “Ўзбекистон – Қирғизистон - Хитой” темир йўлларининг қурилиши лойиҳаси тасдиқланиб, иш бошланган. Булардан ҳам кўриниб турибдики, темирйўл хизматларини кўрсатиш жараёни ҳам кенгайиб, халқаро миёсда ривожланиши давом этади. Бундай шароитда Темир йўл хўжалиги корхоналарининг самарадорлигини таъминлаш учун ушбу соҳанинг даромад ва ҳаражатлари ҳисобини алоҳида юритиш тизимини самарали жорий қилиш бўйича барча амалий чоралар ҳам кўрилмоқда.

Мазкур соҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг **20ЖЖ йил фалон санадаги “ШИШИШИШИШИ”ги ПҚ-329-сонли** қарори талаблари асосида “Ўзбекистон темир йўллари” АЖни ислоҳ қилиш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу ҳужжат асосида амалга оширилаётган ишлар юзасидан тизимли равишда Президент Администрациясига ахборот хати киритиб хабар берилиб бормоқда. Кўриниб турибдики, ушбу соҳа мунтазам ривожланиб бориши учун тегишли назорат тизими ҳам яратилган. Бу албатта мазкур қарорда белгиланган вазифаларнинг барча бандларини ўз вақттида бажариш имкониятини яратади.

**Алоқа ва коммуникация соҳалари** бўйича ҳам Ўзбекистон Республикасининг “Телекоммуникациялар тўғрисида” ги Конунини қабул қилиш ҳам долзарб масалалардан биридир. Қабул қилинган бўлса санаси тўлиқ номи ва х.к. тўлдириш керак.loyiҳasining Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатда ҳимоясида қатнашиш.

**Рақамли ва инновацион иқтисодиётни ривожлантириш** борасида ҳам бир қанча ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган. Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда 2024 йил якунига қадар Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги хизматлар сонини 700 тага етказиш кўзда тутилган. Шу билан бирга халқаро интернет тармоғига уланиш тезлигини 4 200 Гбит/с га етказиш мўлжалланган. Ушбу тадбирлар рақамли иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривожланишида муҳим омил сифатида намоён бўлади. Бундан ташқари, магистрал тармоқлар ва аҳоли яшаш масканларида 30 минг км. оптик толали алоқа линиялари қуриш, умумий узунлигини 260 минг км. етказиш масаласи ҳам мамлакатимиз раҳбариятининг назорати остида амалга оширилмоқда. Яна бир эътиборли масала, автомагистрал ва темир йўлларни



мобил интернет билан қамров даражасини 90 фоизгача етказиш вазифаси ҳам Янги Ўзбекистоннинг шаклланишида катта аҳамиятга эга.

**Уй-жой коммунал хўялиги соҳасида** ҳам бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, иссиқлик таъминоти соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, истеъмолчиларни иссиқлик энергияси билан таъминлашда амалга ошириладиган хизматлар сифатини кескин ошириш ҳамда биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш орқали барқарор иссиқлик таъминоти билан таъминлаш чора-тадбирлари кўрилмоқда ва бу ишларни амалга ошириш учун “Йўл харитасини” ишлаб чиқиши масаласи ҳам кун тартибида турган масалалардан биридир. Уй-жой коммунал хўялиги соҳасини такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори лойиҳасини ишлаб чиқиши масаласи ҳам объектив заруриятга айланган.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқларига биноан иссиқлик таъминоти корхоналари томонидан иссиқлик таъминоти хизматларининг аҳоли учун паст тарифларни қўллаш ҳисобига 2024 йилда кўриладиган заарларини тўлиқ қоплаш учун Давлат бюджетидан зарур микдорда маблағлар ажратиш масаласига ҳам тегишли кўргазмалар берилган. Чунки иссиқлик таъминотининг барқарорлиги аҳолининг яшаш даражасининг сифатини ва фаровонлигини ошириш имкониятини яратишга хизмат қиласди.

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган коммунал хизматлар сифатини яхшилаш ва самарадорлигини оширишга қаратилган Дастурлар ижроси ҳамда Давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг мақсадли ва самарали фойдаланишини назорат қилиш бўйича Ҳукумат доирасида қаттиқ назоратга олиш лозим. Бунинг учун ҳар бир ҳудуд бўйича доимий равишда таҳлилий ахборотларни тайёрлаб, уларни жамлаб ва тегишли тартибда назорат қилиб борилиши ҳам мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги рақамли иқтисодиёт шароитида бундай тезкор тадбирларни амалга оширишда ҳеч қандай мураккаблик бўлмайди, деб ўйлаймиз.

Иссиқлик таъминоти корхоналарида иш самарадорлигини ошириш учун, ушбу субъектларнинг тўловчанлик қобилиятини ошириш ҳамда корхоналарнинг доимий зарар билан фаолият юритишини олдини олиш мақсадида иссиқлик таъминоти хизматлари тарифларини қайта кўриб чиқиб, уларни оптимальлаштириш масаласига ҳам тегишли эътиборни қаратишни тақозо қиласди. Ушбу тадбирлар аҳолига қулайлик яратиш ҳамда кўрсатитаётган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини таъминлаш мақсадида кўп қаватли турар жой хонадонларининг иссиқлик таъминоти, ичимлик ва оқова сув хизматлари каби коммунал тўловларини бирлаштирувчи ягона тўлов тизимини жорий қилиш ҳам бугунги кунда долзарб масалалардан бирига киради.

**Туризм соҳасини ривожлантириш** бўйича хизматларнинг турларини диверсификация қилиш, сифати ва самарадорлигини ошириш масалалари ҳам долзарб тадбирлардан биридир. Бу борада тегишли вазифалар ҳам белгиланган. Хусусан, шу 224 йилда ички сайёхлар сонини 21 млн. нафарга, зиёратга келадиган туристлар сонини 1,5 млн. нафарга етказиш чораларини кўриш белгиланган.

Бунга эришиш учун ҳудудларнинг туризм салоҳиятини тарғиб қилиш, сайёхларни кенг жалб қилинишини таъминлаш мақсадида бир қанча тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади. Хусусан, мазкур соҳада иқтисодий инструментларни ишга солиш, чегирмалар тақдим этишни ташқил қилиш кабилардан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, “Ички туризм ойлиги” ни, “Ички туризм ҳафталиги”, “Ички туризм кунлари” дастурларини маданий, кўнгилочар, миллий ҳамда диний байрамлар, катта спорт тадбирлари доирасида амалга оширишни мувофиқлаштириш ҳам мақсадга мувофиқ.



Хозирги пайтда соҳани ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири “Туризм кластерлари”ни ташкил этишдан иборатdir. Бу борада мамлакатимизда анча ишлар бошланган. Аммо ушбу соҳани тартибга соувчи норматив-хужжатлар ҳамон ишлаб чиқилмаган. Демак бугунги кунда муҳим вазифалардан бири “Туризм кластерлари”ни ташкил этиш бўйича тегишли меъёрий хужжатларни ишлаб чиқишдан иборатdir.

Маълумки, туризм соҳасининг ўзига хос хусусиятлари шундаки, мазкур соҳа бошқа бир қанча соҳалар билан узвий алоқада. Бугунги кунда туристларни ташиш учун транспорт соҳаси муҳим аҳамият касб этади. Чунки ушбу хизматнинг сифати туристлар кайфиятига катта таъсир кўрсатади. Шунингдек, уларни яшаш жойига жойлаштириш учун талабга жавоб берадиган меҳмонхоналар ҳам зарурдир. Мазкур соҳада тур операторлар хизмати ҳам туристларнинг руҳиятига, уларнинг туристик объектлар ҳақидаги маълумтларни олишида, зарур туйғуларнинг шаклланишида катта аҳамиятга эга. Булардан ташқари туристлар учун ва маҳаллий тадбиркорлар учун ҳам савдо ва сервис хизматлари ҳам катта аҳамиятга эга. Ушбу ҳолатлардан келиб чиқиб, туристларга кўрсатиладиган хизматлар сифати ва самарадорллигини таъминлаш мақсадида **“Меҳмонхона — транспорт — тур оператор — савдо ва сервис”** соҳаси корхоналарининг кооперациясини ташқил қилувчи 4 та йирик субъектлардан иборат туризм кластерини ташкил этишини мақсадгага мувофиқ, деб ҳисобаймиз. Фикримизча ушбу кластер нафақат ижтимоий жиҳатдан, балки иқтисодий самарадорлиги билан ҳам ўзига хос йўналиш ҳисобланади.


**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса қилиб айтганда, хизмат кўрсатиши соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари Ўзбекистон – 2030 стратегиясида кўзда тутилган аҳолининг ҳаёти учун зарур бўлган жамоат транспорти билан боғлиқ хизматлар, иқтисодиётнинг ҳаракатлантирувчи кучларидан бири бўлган темир йўл транспорти билан боғлиқ хизматларнинг бугунги ахволи ва уларни ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари, алоқа ва коммуникация соҳалари билан боғлиқ хизматлар, уй-жой коммунал хўжалиги ва туризм соҳаси билан боғлиқ хизматларга алоҳида аҳамият берилган. Ушбу хизматларни такомиллаштириш ва истиқболлини белгилаш бўйича бир қанча тавсиялар ҳам ишлаб чиқилди. Булар:

**Биринчидан**, мамлакатимизнинг ҳар бир худудида йўловчи ташиш транспортини объектив заруриятдан келиб чиқиб, керакли микдорда таъминлаш имкониятларини яратиш. Бунда давлат ташкилотлари билан бирга хусусий сектор, яъни тадбиркорлар имкониятларидан ҳам фойдаланиш мақсадгага мувофиқ.

**Иккинчидан**, шаҳарларга жамоат транспортини экологик тоза ёқилғидан фойдаланадиган транспорт воситаларини, асосан электровозлар-ни кўпайтириш мақсадгага мвофиқ. Ушбу тадбир биринчи галда мамлакатимизнинг йирик шаҳарларида амалга оширилса, ушбу худудларда аҳолига қулайликлар яратиш билан бирга унинг экологик ахволи ҳам анча яхшиланган бўлар эди.

**Учинчидан**, мамлакатимизнинг транспорт-логистика тармоқларини ривожлантиришнинг янада бир йўналиши республика худуди орқали транзит юкларини ташиш хизматларини йўлга қўйишидир. Бунда бир вақтнинг ўзида йўловчи ва юқ ташиш хизматларини мутаносиб равишда ривожлантишга эришиш имкониятларидан ҳам тўлиқ фойдаланиш мақсадгага мувофиқ.

**Тўртинчидан**, мамлакатлар ўртасида ва ичкарисида авиақатновларни йўлга қўйиш ҳам бугунги кунда объектив заруриятга айланди. Буларнинг сонини ва қўниш нуқталарини ҳам кўпайтирадиган вақт келди, деб ўйлаймиз. Ушбу соҳа аҳолининг давлатлараро қатновини таъминлаш билан бирга халқаро туризмни ривожлантиришга



ҳам муносиб ҳисса қўшади, деган фикрдамиз.

**Бешинчидан,** йўловчиларга кўрсатиладиган темир йўл хизматлари ва автобус қатновларини қўшни мамлакатлар Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон билан ҳам имкониятларни ўргангандан ҳолда ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида аҳамият бериш лозимдир. Чунки ушбу мамлакатлар билан азалий борди-келди ришталари бор. Уларнинг тикланадиган даври келди, деб ҳисоблаймиз.

**Олтиинчидан,** алоқа ва коммуникация соҳаларини ривожлантиришда рақамли ва инновацион иқтисодиётнинг ривожланишига ҳамоҳанг тарзда такомиллаштириш борасидаги барча ишларни мувофиқлаштирган ҳолда амалга оширилиши таъминлашга эришиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Зеро, рақамли иқтисодиётсиз инновацион иқтисодиётни ривожлантириб бўлма-ганидек, рақамли иқтисодиётни ахборот коммуникация технологияларисиз ривожлантириб бўлмайди. Шу туфайли буларнинг ривожланишини мувофиқлаштирган ҳолда амалга оширишга эришиш мақсадга мувофиқдир.

**Еттинчидан,** иссиқлик таъминоти корхоналари иш самарадорлигини ошириш учун уларнинг тўловчанлик қобилиятини ошириш ҳамда доимий заар борада фаолият юритишини олдини олиш мақсадида иссиқлик таъминоти хизматлари тарифларини қайта кўриб чиқиб, уларни оптималлаштириш, кўп қаватли турар жой хонадонларининг иссиқлик таъминоти, ичимлик ва оқова сув хизматлари каби коммунал тўловларини бирлаштирувчи ягона тўлов тизимини жорий қилиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

**Саккизинчидан,** бугунги кунда туризм соҳасининг кўп тармоклар билан алоқадорлигини билан боғлиқ ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, туристларга кўрсатиладиган хизматлар сифати ва самарадорларни таъминлаш учун “Меҳмонхона — транспорт — тур оператор — савдо ва сервис” корхоналарининг кооперациясини ташкил қилувчи 4 та йирик субъектлардан иборат туризм кластерини ташкил этишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисобаймиз.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелда «Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» ПҚ-2900-сонли қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ҳамда «коммунхизмат» агентлиги тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ти қарори.

3. Ва ҳ.к.